

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 03/30.04.2021.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ**

**МИРЗАЕВ АБДУЛҲАМИТ МАРИФОВИЧ**

**БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР СПОРТ МАКТАБЛАРИДАГИ  
БЕЛБОҒЛИ КУРАШ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ-  
ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ – 2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Мирзаев Абдулхамит Марифович**

Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидаги белбоғли  
кураш машғулотларининг ташкилий-педагогик  
асосларини такомиллаштириш.....

5

**Мирзаев Абдулхамит Марифович**

Совершенствование организационно-педагогических  
основ занятий борьба на поясах в детско-юношеских  
спортивных школах .....

23

**Mirzayev Abdulxamit Marifovich**

Improvement of organizational and pedagogical  
bases of belt wrestling training in children and  
adolascents sports schools .....

43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....

47

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 03/30.04.2021.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ**

**МИРЗАЕВ АБДУЛҲАМИТ МАРИФОВИЧ**

**БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР СПОРТ МАКТАБЛАРИДАГИ  
БЕЛБОҒЛИ КУРАШ МАНҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ-  
ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.Phd/Ped553 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика интитутуи бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.cspi.uz.ilmiy-kengash](http://www.cspi.uz.ilmiy-kengash)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар**

**Мардонов Шукурулло Қўлдошев**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар**

**Баязитов Камил Фаритович**  
Педагогика фанлари доктори(DSc)  
**Эркабаева Нигора Шерматовна**  
Педагогика фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот**

**Андижон давлат университети**

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтуи ҳузуридаги илмий даража берувчи DSc. 03/30.04.2021.Ped.82.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:111700,Ўзбекистон,Тошкент вилояти,Чирчиқ шаҳри, А.Темур кўчаси, 104 уй. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: chdpi-kengash @ u mail.uz.

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111700, Ўзбекистон,Тошкент вилояти,Чирчиқ шаҳри, А.Темур кўчаси, 104 уй. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**С.Матчанов**

илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раис ўринбосари филология фанлари доктори, профессор

**Ф.У.Қодирова**

илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, педагогика фанлари доктори (DSc)

**У.Н. Ходжамқулов**

илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., (DSc).

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда спорт турларининг оммабоплигини ошириш, болалар ва ўсмирларни спортга қизиқтиришнинг педагогик шарт-шароитлари ва дидактик параметрларини аниқлаштириш, спорт муассасаларида спортчи-ёшларларнинг жисмоний сифатларини ривожлантиришнинг педагогик, психологик ёндашувларини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Айниқса, пандемия шароитида ўқувчи-ёшларда фаол ҳаракат режимиغا риоя этиш кўникмаларини ривожлантиришнинг соғломлаштирувчи-педагогик имкониятларини кенгайтириш, шахснинг ёш, физиологик ва психологик тараққиёти мезонларига асосланган индивидуал жисмоний ривожлантириш дастурларини халқаро ва миллий турнирлар талаблари асосида ишлаб чиқиш долзарблик касб этади. АҚШ, Англия, Франция, Германия, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Россия каби ривожланган давлатларда кам ҳаракатли ҳаёт тарзи оммалашишининг олдини олишда болалар ва ўсмирлар спортини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Дунёда ахборот муҳити шароитида ўқувчи-ёшларнинг жисмоний фаоллигини ошириш, уларда жисмоний ёндашувлардан фойдаланиш орқали валеологик кўникмаларни ривожлантиришнинг дидактик тизимини такомиллаштиришга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Болалар-ўсмирлар спорт мактабларидаги белбоғли кураш машғулотларининг ташкилий-педагогик асосларини такомиллаштириш, педагогик-психологик хусусиятлари ва омилларини аниқлаштириш, ўқув-методик таъминотини яратиш, болалар-ўсмирлар ўртасида тарихий спорт турларини кенг тарғиб қилиш ҳамда спорт турлари бўйича машғулотлар учун ўқув қўлланмалар яратиш, шунингдек, мураббий ҳамда спортчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги механизмларини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар заруратга айланган.

Республикаimizда сўнгги йилларда болалар спортини ривожлантириш, узлуксиз таълимнинг ҳар бир бўғинида таълим олувчиларнинг жисмоний саломатлигини мустаҳкамлаш ва қўллаб-қувватлашнинг анъанавий, инновацион шакллари жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, “Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, қизларни спортга жалб қилишнинг манзилли чораларини қўллаш, ёшлар ўртасида миллий спорт турларини кенг тарғиб қилиш”<sup>1</sup> муҳим вазифа сифатида белгиланди. Бу эса, миллий спорт турларини ривожлантириш ва оммавийлигини ошириш,

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 й. 6-сон, 70-модда.

уларни Осиё ва Олимпиада ўйинлари дастурларига киритиш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади. Бундан ташқари болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидаги белбоғли кураш машғулотларининг ташкилий-педагогик асосларини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг белбоғли кураш машғулотларига бўлган қизиқишларини янада кучайтиришнинг инновацион ёндашувларини жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3-июндаги ПҚ-3031-сон “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 2-октябрдаги ПҚ-3306-сон “Кураш миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13-февралдаги 118-сон “2019-2023 йиллар давомида жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” билан боғлиқ устувор йўналишлар доирасига мос равишда амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамизда Ф.Керимов Т.Усмонхўжаев, Верхотанский Ю.В., Верещагин, Г.С.Туманян, Н.А.Тастанов, Ш.А.Мирзакулов, Ф.Хўжаев, Р.Абдумалико, А.Атоев, Й.Мамашариповларнинг тадқиқотларида жисмоний тарбия дарсларининг таълим мазмунини бойитиш шакл ва методлари ёритилган. Ш.Абдуллаева, Ашмарин.Б.А, Х.Ахмедов, М.Асланова, Ф.Абдурахимовларнинг илмий ишларида спортнинг якка кураш турларининг тарихи, ташкилий асослари ва методикаси масалалари ўз аксини топган. А.Атоев, Ж.Нуршин, Р.Саломов, Ф.Керимов Ж.Тошпўлатов Ҳ.Бобобеков М.Содиқов, Н.Азизов, Х.Ахмедовлар кураш спортининг ривожланиш тенденциялари, кураш анъаналари, усулларига боғлиқлигининг илмий методик асосларини ишлаб чиққанлар.

Россиялик олимлар Э.Адишквичяне, Э.Брюнему, Э.Харнес, Е.Вавилова, Н.Кильпио, Е.Мигунова, И.Лихман, Е.Осокина, В.Ким, С.Семенов, В.Фроловлар спортнинг якка кураш турлари тарихи, ташкилий асослари ва методикаси масалалари юзасидан илмий изланишлар олиб борганлар.

Хорижлик олимлар В.Штерн, А.Лисица, Г.Туманян, Г.Полько, Л.Югайлар соғлом турмуш тарзи ва маданиятини шакллантириш, таълим жараёнида ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш, жисмоний сифатларини

ривожлантириш масалаларини кенг ёритиш борасида илмий ишларини олиб боришган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтиининг илмий тадқиқот ишлари режасининг ЁА-1-22 “Жисмоний маданиятни ўқитишда инновацион педагогик технологияларнинг модернизациялашган тизимини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** миллий белбоғли кураш машғулотларининг ташкилий-педагогик асосларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

спорт мактабларидаги белбоғли кураш машғулотларининг психологик-педагогик хусусиятларини аниқлаш;

белбоғли кураш машғулотларида спортчиларнинг жисмоний сифатларини ошириш технологияларини такомиллаштириш;

белбоғли кураш мусобақаларига болаларни саралаш мезонлари ва меъёрларини тизимлаштириш;

болалар-ўсмирлар спорт мактабларидаги белбоғли кураш машғулотларининг ўқув-методик таъминоти ва меъёрларини ишлаб чиқиш ҳамда самарадорлигини педагогик тажриба асосида аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида болалар-ўсмирлар спорт мактабларида белбоғли кураш машғулотларини ташкилий-педагогик асосларини такомиллаштириш жараёни танланган бўлиб, тажриба-синов ишларида Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги БЎСМ, Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 2-сонли БЎСМ, Жиззах вилояти, Ш.Рашидов туманидаги БЎСМларда амалга оширилиб, унда жами 41 нафар мураббийлар ва 300 нафар ўқувчилар иштирок этдилар.

**Тадқиқотнинг предмети** болалар-ўсмирлар спорт мактабларидаги белбоғли кураш машғулотларини ташкил этишнинг шакл, усул ва воситалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда психологик-педагогик кузатув, анкета, савол-жавоб, суҳбат, эксперт баҳолаш, кузатиш, педагогик тажриба ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

белбоғли кураш машғулотларининг психологик-педагогик хусусиятлари спортчини руҳий, жисмоний, мотивацион жиҳатдан комплекс тайёрлашда тарихийлик, қадриятлилик, соғлом тана-соғлом фикр тамойилларини спорт соҳасидаги назарий ва амалий машғулотлар мазмунига физиологик ривожланиш меъёрларидан келиб чиққан ҳолда интеграциялаштириш асосида аниқлаштирилган;

белбоғли кураш машғулотларида спортчиларнинг жисмоний сифатларини оширишнинг спортчига хос индивидуал ҳаракатлар тизими ва техникасини ривожлантирувчи мослашувчан технологиялари спорт ва

маънавий камолот таъсири, саломатлик ва ақлий фаолият боғлиқлиги каби жисмоний тайёргарликни рағбатлантирувчи ҳамда спортчини ғалабага ундовчи-рақобатлантирувчи омилларга устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

белбоғли кураш мусобақаларига болаларни саралашнинг курашишга мойиллик, меҳнатсеварлик, қатъиятлилиқ, жасорат каби хусусий мезонлари спорт техникасини ўрганиш ва ўргатиш жараёнида ижодий элементлар ҳамда спортчи ва мураббий ўртасида шартли танланган кодли буйруқларга асосланган тезкор коммуникативлик технологияларини қўллаш орқали такомиллаштирилган;

белбоғли кураш машғулотларининг дидактик таъминоти ушлаб олиш, рақибга таъсирни амалга ошириш, ҳужум қилиш, ўзини ҳимоя қилиш ва қарши усулни амалга ошириш каби адаптив жисмоний машқлар мазмунига жисмоний ривожланиш меъёрларига асосланган мажмуавий-қоидали интеллектуал топшириқлар, спортчиларни мавсумий ўзгаришларга комплекс мослаштирувчи мобил клуб ва турнирлар, умумхалқ миллий байрамларида эркин танлов мусобақалари қоидаларини сингдириш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

болалар-ўсмирлар спорт мактабларидаги белбоғли кураш машғулотларининг ташкилий-педагогик асосларини такомиллаштиришга оид педагогик-психологик ёндашувлар аниқланган ва белбоғли кураш машғулотларининг ташкилий-педагогик асосларини такомиллаштиришнинг педагогик-психологик жиҳатлари кўрсатиб берилган;

белбоғли кураш машғулотлари жараёнида ўқувчилар организмининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўқув машғулотлари юкламаларини оқилона қўллаш услуби ишлаб чиқилган;

мураббий ва спортчиларга машғулотларнинг ташкилий-педагогик асосларини такомиллаштиришга хизмат қиладиган педагогик-психологик вазиятлар таклиф этилган;

тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган илмий-услубий тавсиялар машғулотлар жараёнида ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини ва ўқув машғулотлари самарадорлигини ошириши педагогик тажриба-синовда асослаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, фойдаланилган назарий, амалий ёндашувларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган математик таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг статистик усуллар воситасида асослангани, ҳулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти болалар-ўсмирлар спорт мактабларидаги белбоғли кураш машғулотларининг ташкилий-педагогик асосларини такомиллаштиришга оид назарий-амалий ёндашувлар, қарашлар, илмий-методик тавсиялар ва таклифларга эга бўлганлиги, шунингдек,



машғулотларнинг мазмуни, шакллари, воситалари, усул ва методлари ҳамда педагогик-психологик жиҳатлари аниқлаштирилганлиги ҳамда мазкур машғулотларга ўқувчиларни кенг жалб этиш имкониятларининг кенгайтирилганлиги, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари мураббийларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими учун белбоғли кураш спортини ташкил қилиш билан боғлиқ илмий-методик тавсиялар ва янги ишланмалар ишлаб чиқилганлиги ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Болалар-ўсмирлар спорт мактабларидаги белбоғли кураш машғулотларининг ташкилий-педагогик асосларини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

белбоғли кураш машғулотлари тақвим-мавзу режаси, белбоғли кураш машғулотларини ўтказиш алгоритмини лойиҳалашга доир таклифлар Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6-апрелдаги 187-сон қарори билан тасдиқланган умумий ўрта таълим тизими Давлат таълим стандарти мазмунига сингдирилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 7-февралдаги 01-02/2-44-сон маълумотномаси). Натижада, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида ўқувчи-спортчилар орасида ўзаро ҳамкорлик, ўзаро таъсир ва баҳолаш муҳити омиллариини такомиллаштиришга хизмат қилган;

болалар-ўсмирлар спорт мактабларидаги белбоғли кураш машғулотларини ташкил этиш тамойиллари, амалий-технологик қоидаларидан жисмоний тарбия фанидан компетенциявий ёндашувга асосланган фан дастурлари ва малака талабларини амалий технологик қоидалари “Умид ниҳоллари” спорт мусобақалари таркибига киритилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 7-февралдаги 01-02/2-44-сон маълумотномаси). Натижада, белбоғли кураш спорт тури мусобақалари мазмунан бойитилган;

болалар-ўсмирлар спорт мактабларидаги белбоғли кураш машғулотларининг ташкилий-педагогик асосларини такомиллаштиришга доир илмий-услубий, методик тавсиялар ишлаб чиқилганва мураббийларнинг малакасини ошириш жараёнига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт Давлат Қўмитасининг 2018 йил 19-январдаги 01-07-08-209-сон маълумотномаси). Натижада, болалар-ўсмирлар спорт мактаби мураббийларига қўйилган педагогик талабларни тизимлаштириш, миллий анъаналар ва кадриятларни тиклаш имконини берган;

спорт мактабларида белбоғли кураш мураббийларнинг тайёргарлигини ошириш, миллий спорт турини тиклаш, спортчиларнинг ғурур ва миллий орият ғояларидан “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонуннинг “Ўзбекистон миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари” деб номланган 20-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий мажлис қонунчилик палатасининг 2018 йил 9апрелдаги 0415-06-35-сон маълумотномаси). Натижада, белбоғли кураш спорт турининг хорижий

мамлакатлар ва республикамизда обрў-эътиборини ошириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 12 та илмий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, уч боб, 122 саҳифа матн, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертациянинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мавзу юзасидан хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларининг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши ва ҳажми ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Болалар-ўсмирлар спорт мактабларидаги белбоғли кураш машғулотларини ташкил қилишнинг назарий таҳлили”** деб номланган биринчи бобида болалар-ўсмирлар спорт мактабларидаги белбоғли кураш машғулотлари ўтказилишининг мавжуд ҳолати, ижтимоий-педагогик зарурияти, машғулотларни ташкил этишнинг ташкилий-педагогик, дидактик-психологик жиҳатлари таҳлили қилинган.

Спортчиларда ватанпарварлик, жасурлик ғояларини ўзида мужассам этган миллий қадриятимиз бўлган миллий белбоғли кураш дунёда спорт тури сифатида тан олинди. Шунингдек, ўсмир-ёшларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этиш, спортга қизиқишларини орттириш, уларни чакқонликка, ўз олдиларига қўйган мақсадларига эришишга, бир-бирлари билан ҳамжиҳат ва дўстона муносабатда бўлишга, ундайди. Белбоғли кураш бўйича бўлажак спортчини тайёрлаш мақсадида тўғрақлар ташкил қилиниши ҳам бу соҳада бир қанча ютуқларга эришишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўсмир-ёшларда халқимизга хос бўлган саховат, ҳалоллик ва меҳр-оқибат каби фазилатларни янада юксалтириш, миллий қадриятлар, ғурур, ифтихор ва Ватанга садоқатли бўлишни ўргатишда белбоғли кураш машғулотларида назарий билим ҳамда кўникма амалий малакаларни чуқур ўргатиш билан мақсадга эришилади.

**Белбоғли кураш** беш минг йиллик тарихга эга қадимий якка кураш спорт тури бўлиб, Европа ва туркий халқлари орасида жисмоний тарбиянинг муҳим омили сифатида эътироф этилиб келинган. Халқларнинг миллий анъана, урф-одатлари, байрам ва тўй маросимлари орқали авлоддан-авлодга етиб келаётган маънавий мерос сифатида ёшларнинг жисмоний тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда “Белбоғли кураш” номи билан машҳур бу спорт тури қадим замонларда ота-боболаримиз томонидан белбоғидан ушлаган ҳолда техник-тактик ҳаракатлар орқали рақиб елкасини ерга текказиш тарзида ўйлаб топилган. Бу кураш тури жисмоний куч, ва эпчиллик, чاقқонлик ўз-ўзини ҳимоялаш кабилар билан бирга ирода ва ахлоқий фазилатларни ҳам шакллантиради.

Ўзбек халқи ҳаётида Кураш анъанасининг уч тури мавжуд бўлган. Унинг энг дастлабкиси жисмоний машқ сифатида – экзогам никоҳ маросими билан боғлиқ ҳолда юзага келган. Никоҳ маросимида бўлажак келин-куёвнинг кураш тушишини ўша даврдаги ҳукмрон аёллар уюштирган. Бу ҳодиса матриархат салтанатининг эрни синаш ва танлаш ҳукуқи заминидан келиб чиққан.

М.О.Косвеннинг “Ибтидоий маданият тарихидан очерклар”<sup>1</sup> номли асарида ёзилишича, матриархат муносабатлар даврида никоҳ кўпинча эрнинг эмас, балки аёл ташаббуси билан тузилган.

Замонлар ўтиши билан мазкур анъананинг шакли ўзгарган. Бунда келин куёв билан кураш тушишдан олдин бирор душман билан курашиши ва уни енгиши лозим бўлган. Эндигина пайдо бўла бошлаган патриархат муносабатларга қарши зиддиятлар ҳам айлани шу замонда юзага келган. Кейинчалик эса қизлар ўзини яккама-якка жангда енгиб чиққан йигитга турмушга чиққанлар. Бундан ташқари, Сармишсой (Навоий вилояти Нурота тизмасининг Қоратоғи)да сақланган қадимги петрографлар аёллар ниҳоятда тўлиқ ва забардаст, эркаклар эса жисмонан чоғроқ ва ориқроқ тасвирланган (қоятош расмлари) бу олис ўтмишда аёллар эркакларга нисбатан анча бақувват бўлганлигини англатади<sup>2</sup>.

Шунингдек, полвонзодалар аслида жисмонан бақувват аёллардан туғилиши ҳам халқ тарихий хотирасида онабошилиқ(матриархат) давридан сақланиб қолган бўлса ажаб эмас. Жумладан, туркий халқлар тарихида аёл подшоҳлар ўтганлиги ҳақида маълумотлар сақланган. Доно ҳукмдор ва улуг тарихчи Абулғозий Баҳодирхон (1643-1663 йилларда Хоразм ҳукмдори) ўзининг “Шажарайи тарокима” асарида ўғизларнинг етти аёл ҳукмдори ҳақида қизиқарли маълумот қолдирган. Улардан бири: Сирдарё қуйи оқимида Барчинлиғкент деган қадимий шаҳар вайроналари ҳамда ўғизларнинг Барчин исмли паҳлавон ва оқила ҳукмдори даҳмаси ҳозир ҳам сақланган (оролдан 120 км шарқда, Сирдарёдан 30 км жанубда). Қизилқумнинг Ўзбекистон қисмида қизил хотун (IX аср) даҳмаси ҳам

<sup>1</sup>Косвен М.О. Очерки истории первобытной культуры. –М.: 1953. – С.91.

<sup>2</sup> Туркистон белбоғлик кураши – Турон тарихи журнали 2-сон, 3-сон, – 1998 йил.

мавжуд, у салжукий турклар ҳокимасига – ниҳоятда кучли, ўктам ва баҳодир аёл шарафига тикланган ёдгорликдир. Демак, Тўмарис Бегойим ҳақидаги ривоятда ҳам тарихий ҳақиқат мавжуддир.

Ҳозирги кунда жисмоний тарбия ва спорт ўқувчиларнинг кундалик турмуш тарзини энг қулай ҳолда ташкил этувчи, фаоллаштирувчи ҳамда соғлигини мустаҳкамловчи, Ватан ҳимоясига тайёрловчи болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида эса баркамол авлодни етиштирувчи муҳим воситадир.

Ўқувчиларни жисмоний тарбиялаш уларнинг ахлокий, иродавий ва эстетик тарбиясига оид бир қатор амалий кўникмаларни ҳосил қилиш ҳамда такомиллаштиришда муҳим ўрин тутати. Бундан ташқари, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидаги ўқиш даври асосий спорт турлари бўйича юқори спорт натижаларига эришишда ўзига хос ўрин тутати. Шунинг учун ҳам ўқувчилар ўзларининг индивидуал қизиқишлари ва қобилиятларига мувофиқ танлаган спорт турлари бўйича таълим оладилар.

Бугунги кунда Ўрта Осиё давлатларида белбоғли кураш турлари кенг оммалашган бўлиб, олий ўқув юртларининг ўзида 10 га яқин спорт турларига ихтисослашган.

Спортчиларни тайёрлашда ўқитувчи-мураббий, шифокор ва йўриқчилар жамоаси фаолияти қуйдагилар муҳим ўрини эгаллайди:

ўқувчиларнинг белбоғли кураш спорт тури билан шуғулланишларида жисмоний тарбиянинг қуйидаги қоида ва тамойилларига таянади:

ўқувчилар соғлигини мустаҳкамлаш ва сақлаш, ҳар томонлама жисмоний ривожланишга ва юқори ишчанлик қобилиятини шакллантириш тамойили;

асосий жисмоний сифатларнинг ривожланишини таъминлаш тамойили;

меҳнат ва Ватан ҳимоясига тайёрлашда ҳаётий муҳим кўникма ва малакаларни эгаллашга йўналтирилган.

ўқувчиларнинг танланган спорт тури бўйича эгаллаб олинган муҳим профессионал-амалий кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш тамойили;

жисмоний тарбия ва танланган спорт тури соҳасидаги билимларини, ташкилотчилик кўникма ва малакаларини чуқурлаштириш қоидаси.

мураббийнинг белбоғли кураш спорт туридан спорт маҳоратини такомиллаштириш қоидаси;

юқори спорт разрядларига эришишда жамоатчи-инструктор ва спорт бўйича мураббийларнинг касбий тайёргарлиги, билим, кўникма ва малакасини доимий равишда ривожлантириш қобилиятларини ўз ичига олади.

ўқувчиларни турли ижтимоий оғишлардан асраш қоидаси.

Диссертациянинг **“Болалар-ўсмирлар спорт мактабларида белбоғли кураш машғулотларини ташкил этиш мазмуни, шакллари, методлари ва воситалари”** деб номланган иккинчи бобида болалар-ўсмирлар спорт мактабларида (БЎСМ) белбоғли кураш машғулотларини ташкил этиш мазмуни, Болалар-ўсмирлар спорт мактабларида белбоғли кураш машғулотларини ташкил этишда дидактик принциплар ва методлари ёритиб берилган.

БЎСМларда ихтисослашган спорт турлари бўйича тасдиқланган дастурларга, шу жумладан белбоғли кураш дастурига мувофиқ ўтказилади.

Болаларни белбоғли курашга саралаш қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилади: кураш билан шуғулланишга бўлган қобилиятнинг эрта уйғониши, меҳнатсеварлик, ботирлик, қатъиятлилиқ, жасорат каби хусусиятларга эга бўлиш, билимларни тез эгаллаш ва малака, кўникмаларни муваффақиятли шакллантириш, спорт техникасини ўрганиш ва такомиллаштириш жараёнида ижодий элементларнинг мавжудлиги.

Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг белбоғли кураш бўлималарига саралаш жараёнида саломатлик, организмнинг тизими ҳолати, морфологик белгилар, жисмоний тайёргарлик, ҳаракатни вақт ичида, маконда ва куч бериш бўйича янада аниқ бажаришга ёрдам берадиган координацион қобилиятлар даражасини ҳисобга олиш зарур.

Спорт мактабларининг белбоғли кураш бўлималарига саралашда қуйидаги назорат синовлари (тестлари) қўлланилади (1-жадвалга қаранг).

**1-жадвал**

**Спортчиларни саралаш тизими**

Босқичи	Саралашнинг асосий вазифалари	Саралаш услублари	Шуғулланувчилар таркиби
I	Болалар-ўсмирларни спорт мактабига дастлабки саралаш	Педагогик кузатиш Назорат синовлари (тестлар) Кўрик танловлар. Социологик тадқиқотлар Тиббий текширув	Турли ёшдаги болалар-ўсмирлар (спорт тури хусусиятига қараб)
II	Танланган спорт турида муваффақиятли ихтисослашишга қўйиладиган талабларга саралаб олинган шуғулланувчилар таркибининг мувофиқлигини аниқлаш. Болалар-ўсмирларни спорт мактабига қабул қилиш.	Педагогик кузатиш. Назорат синовлари (тестлар) Мусобақа ва назорат, саралаш беллашувлари. Психологик, тиббий-биологик тадқиқотлар	Турли ёшдаги болалар- ўсмирлар
III	Спорт мактабининг ҳар бир ўқувчисининг алоҳида ихтисослигини яқиний аниқлаш мақсадида мунтазам ўрганиш (спортга йўналтириш босқичи)	Мусобақа ва назорат, саралаш беллашувлари Психологик, тиббий-биологик тадқиқотлар	Болалар, ўсмирлар, ўспиринлар
IV	Спорт жамиятлари, идоралар, мамлакат ўсмирлар терма жамоаларига саралаш	Педагогик кузатиш Назорат синовлари (тестлар) Мусобақа ва назорат, саралаш беллашувлари Психологик тадқиқотлар Тиббий-биологик тадқиқотлар	Ўсмирлар ва қизлар 9-16 ёш
V	Спорт жамиятлари, идоралар, мамлакат ёшлар терма жамоаларига саралаш	Педагогик кузатиш Назорат синовлари (тестлар) Мусобақа ва назорат, саралаш беллашувлари Психологик тадқиқотлар.	Ўспиринлар

Инсонни жисмоний фаолияти қуйидаги иккита узвий боғлиқ бўлган томонларни қамраб олади: таълимий – бу жараёнда инсон бутун табиатни, борлиқни такомиллаштиради ва унга мослашади, ўз имкониятларини кенгайтиради, шунингдек, ёш спортчиларни юқори кўрсаткичларга эришиш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар жамланмасига эга бўладиган билиш имкониятига эга бўлади;

Тарбиявий – бу жараёнда ҳар бир шахс таълим воситасида юксак маънавиятли, қатъий ҳаётӣй позиция, кенг дунёқарашга эга бўлган фидойи ва ватанпарвар бўлиб етишади, ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя иммунинетига эга бўлади, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик руҳида тарбияланади;

спортдаги муваффақият – ҳар қандай муайян ҳолатларда унинг даражаси спортчининг туғма қобилияти, тайёргарлик тизими самарадорлиги билан белгиланади;

юксак даражадаги муваффақият – шахсни мазкур кураш тури бўйича уни муайян ривожланиши босқичидаги энг юқори даражадаги имконият ва қобилиятларини акс этувчи кўрсаткич ҳисобланади;

белбоғли кураш мактаби – бу ижтимоий-иқтисодий шароитлар таъсирида, спорт соҳасидаги назарий билим ва амалиётни биргаликда мукамал эгаллаган ва курашчини шахсини тўлиқ намоён қилиши шароитида таркиб топган таълим бериш, тарбиялаш ва спортчини тайёрлаш жараёнини қамраб олган ташкилий методик тизимдир.

Белбоғли курашчининг жисмоний тайёргарлиги спортчини ўзини танлаган кураш тури бўйича энг юқори кўрсаткичларга эришишда уни тайёргарлигини ҳам таъминлаб берувчи сифат ва қобилиятларни ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида жисмоний машқларни қўллашга асосланган жисмоний тарбиянинг махсус жараёнини намоён этади.

Спортчи машқларни бажариб бориши натижасида, юқори даражадаги жисмоний ҳолатини белгилаб берувчи турли хил морфологик функционал ўзгаришлар содир бўлади:

юқори даражадаги жисмоний ҳолат – бу спортчини организмдаги мослашувчанлик ўзгаришлар билан ва уни жисмоний тайёргарлиги билан боғлиқ бўлган биологик характерда кечувчи жараёнлардир;

жисмоний тайёргарлик – деганда шахсдаги жисмоний сифатларни тарбиялаш тушунилади.

Жисмоний сифатлар – бу курашчини жисмоний тайёргарлигини ва уни фаол рақобатлантирувчи фаолиятни амалга ошириш тайёргарлигини белгилаб берувчи ўзига хос хусусиятдир.

БЎСМда спорт машғулотлари одатда умумий ва махсус турларга бўлинади:

умумий жисмоний ҳолат – бу спорт соҳасидаги курашчининг мушак билан ишламайдиган турли фаолият турларида қўлланадиган инсон органларини ва организм тизимларини функционал имкониятларини ва

жисмоний сифатларини оширувчи, инсон саломатлигини бошқарувчи махсус бўлмаган машқларни таъсиридир;

махсус жисмоний ҳолат – бу яқка курашларда махсус жисмоний машғулоти сифатида танлаб олинган мушак билан ишланадиган фаолиятни муайян турини такомиллашувидир.

Тайёргарлик – бу мусобақа фаолияти жараёнида максимал имкониятларни намоён қилишга спортчи организмни бутун имкониятлари мажмуасини акс этувчи тушунчадир.

Спортдаги шакл – бу спорт соҳасидаги такомиллашув босқичи учун хос бўлган, спортчини юксак марраларга эришишдаги энг олий даражадаги тайёргарлик ҳолатидир.

Таълим бериш ва машғулоти ўтказишни, жисмоний жиҳатдан такомиллашувига эришишга, психологик барқарорлик ва маънавий бойликни гармоник жиҳатдан мос келиши жараёнида спорт соҳасида юксак натижалар, жисмоний такомиллашувга эришишга йўналтирилган ягона педагогик жараёнини икки томонлама сифатида қараш лозимдир.

Белбоғли курашчиларни тайёрлаб боришни бошланғич даврида назарий таълим бериш кўпроқ аҳамият касб этади. Кейинги даврларда эса назарий таълимнинг ўрнини амалий машғулоти эгаллайди. Бироқ, деярли ҳар бир машғулоти жараёнида таълим бериш элементлари учрайди.

Таълим бериш жараёнида машғулотиларни энг биринчи вазифаси янги техник ва тактик фаолиятларни эгаллаб олиш, назарий саволларни ўрганиш, машғулоти ўтказиш жараёнида – илгари ўрганилган ва тактик фаолиятларни такомиллаштириш, жисмоний сифатларни ривожлантириш ва маънавий-иродавий сифатларни тарбиялаш ҳисобланади. Шуғулланувчиларга назарий таълим бериш ва улар билан машғулотилар ўтказиш махсус хусусият касб этади. Мураббий спортчини эрта ёшида уни характери шаклланишида давом этишини ҳисобга олиши лозим. Шу боис, бир вақтнинг ўзида курашчини махсус тайёрлаб бориш билан бирга уни ахлоқий тарбияси билан ҳам шуғулланиш зарурдир.

Таълим бериш жараёнини ташкиллаштиришда ўқитувчи ва мураббий энг авалло ўз олдида турган мақсад ва вазифаларни белгилаб олишлари лозим.

Кураш усуллари қадимги даврдан буён сақланиб келинади, яъни ҳар бир усул – бу кураш соҳасидаги кўп йиллик тажриба, билим ва таълим бериш методини қўллашдир. Шу боис, белбоғли кураш бу – қўл билан босиб олиш ёрдамида билимлар билан алмашилишидир, унда усулни яхши билган ва уни тўғри амалга оширган ғалабага эришади.

Белбоғли курашчини гиламдаги жойлашуви, уни тана қисмини (қўл, оёқ, гавдасини) ва ҳоказо ўзгариши ҳаракат деб номланади. Зеро, ҳаракатлар ҳар доим онгли амалга оширилади ва фаолият натижасида юзага келади, улар инсонга шахсга нисбатан таъсир этади. Шу боис, рақобатчилик шароитида кескин вазиятларда спорт қоидалари, спорт этикети меъёрлари, рақибга бўлган ҳурмат талаб этиладиган Белбоғли курашда спортчининг шахсий шаклланишида кучли омил бўлиб хизмат қилади.

Ҳаракатли фаолиятни бажарилиши ҳақида гапирганимизда, ҳар доим “техника” тушунчасини эслатиб ўтамиз техника деганда, ҳаракатни бажарилишини энг самарали усули, яъни уни рационал бажарилиши тушунилади ҳаракатли фаолият техникаси илмий таҳлил ва кураш усталари томонидан ҳаракатли фаолият техникасини бажарилиши усулларини амалиётдаги назоратининг натижасидир.

Техникани рационал бажарилишини уни параметрларига кўра баҳоланади (динамик, кинематик, вақтинчалик, тезкор ва ҳоказо) бироқ курашда ҳаракат вазифаларини бажарилиши спортчи реакциясига, зарурий фаолиятни танланишига, уни бажарилишини аниқлигига, динамик вазиятни баҳоланишига боғлиқдир.

Белбоғли кураш турли ҳолатларда олиб борилиши мумкин. Улар учта турга ажратилади: гиламда туриш ҳолати, рақиб билан белбоғлини тенг қилиб боғлаш, белбоғдан маҳкам ушлаш. Белбоғли кураш турли хил усуллардан ташкил топган. Усул – бу, курашчи уни ёрдамида соф ғалабага ёки рақиб устидан уни йиқитиш орқали устун келишига эришадиган техник ҳаракатдир, бу – рақибни гиламдан оёғини узиб олиб сўнг уни икки кураги билан гиламга босиш усулини ёки туриш ҳолатида бажариш усулидир. Курашда алоҳида усуллардан фойдаланиш ҳар доим ҳам самарали ҳисобланмайди, чунки усулни тайёрлаш ва уни ўтказиш вақтни талаб этади, бунда ҳужум қилувчининг режасини англаб олиш қийин эмас. Шунинг учун кўп сонли якка турдаги курашларни олиб борилишида, кураш усталарининг кўпчилиги битта умумий хусусиятга эгадирлар, улар “Спортчининг техник, тактик даражаси” (СТТД) деб номланувчи ҳужум комбинациясини қўллашади, яъни ўтказдириш жараёни комбинациялашган динамик стратегия (КДС) даги ягона тактик мақсадларга бўйсиндирилган алоҳида усуллардан эмас, балки тайёрловчи ва яқунловчи усуллардан ташкил топган комбинациялардан фойдаланилади.

Тактик тайёргарлик деганда, ўйлаб қўйилган усулни ўтказиш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида техник-тактик ҳаракатлардан рационал фойдаланиш тушунилади. Тактик ҳаракат – бу техник ҳаракатни муваффақиятли яқунлаш учун қўлланиладиган тактик тайёргарликни ихтиёрий усулини таркибий қисмидир.

Шундай қилиб, спорт курашини ривожланиши инсонни ўз табиатини ўзгартириши бўйича унинг фаолияти жараёни ва натижасидир.

Белбоғли кураш мусобақа қоидаларида рухсат этилган махсус техник ва тактик ҳаракатлар ёрдамида қаршиликни енгиш билан характерланади.

Белбоғли кураш спортнинг миллий тури сифатида кўп асрлар давомида турли халқлар томонидан маданийлаштирилиб келинмоқда. Ҳар бир халқ турли тарихий даврларда белбоғли кураш бўйича мусобақалар ўтказиб келган. Мазкур мусобақаларда ўзларини миллий урф-одатларини ва айниқса маданиятини акс эттирар эди. Мусобақаларда ғалабага эришиш учун турли усуллар яратилар эди. Шундай қилиб вақт ўтиши билан курашиш қоидалари ва кураш техникаси яратиб берилди.



Дастлаб белбоғли кураш техникаси ва мусобақа қоидалари чамбарчас алоқада бир вақтнинг ўзида бир-бирини ўзгартириб ва тўлдириб ривожланиб борди. Вақт ўтиши билан қоидалар техникани ривожланиши ва ҳолатига таъсир ўтказа бошлади. Ғалабага эришиладиган исталган техник ва тактик ҳаракатларни қўллаш чегараси аниқланган эди ҳозирги вақтда белбоғли курашнинг ҳар қандай тури ва қўлланиладиган усуллар мусобақалар ўтказиладиган қоидалар асосида регламентланади.

Белбоғли курашнинг кўп турларида мусобақалар қоидаси мазкур кураш характериға боғлиқ бўлади ва бир-биридан турли белгилар билан фарқланади, улардан асосийлар қуйидагилар ҳисобланади: ғалабани аниқлаш (техник ҳаракатларни баҳолаш); белбоғли курашда олиб бориладиган қоидаларда рухсат этилган ғалабага эришиш усуллари ва қарорлари; белбоғли курашчини кийими; беллашувнинг давомийлиги.

